

Бақара сураси, 36-оят

10:10 / 17.08.2017 3512

Бас, шайтон уларни ундан тойдирди ва бўлган нарсаларидан чиқарди. Ва: «Бир-бирингизга душман бўлган ҳолда тушинглар, сизларга ер юзида қароргоҳ ва маълум вақтгача баҳрамандлик бордир», - дедик. Бақара 36.

Шайтон Одам Ато билан Момо Ҳавони қандай қилиб йўлдан оздиргани бошқа оятларда баён қилинган. Бу ерда сураинг умумий йўналишига қараб, фақат «шайтон уларни ундан тойдирди», адаштирди, деб қўйилмоқда.

Оятнинг давомида:

«...ва бўлган нарсаларидан чиқарди», - дейилмоқда.

Бу жумла бизнинг тилимизда бир оз тўмтоқроқ чиқмоқда. Лекин Қуръони Карим матнида бу жумла ниҳоятда мўъжизакор жаранглайди. Баъзи таржимонлар уни «Жаннатдан чиқарди», деб таржима қилганлар. Лекин матндаги маъно айнан «икковлари бўлган нарсадан» сифатида келган. Бунда маънони умумий тарзда «Жаннатдан, неъматдан, ҳузур-ҳаловатдан чиқарди...» дея тушуниш мумкин.

Шайтон васваса қилди, Одам аҳдини унутди, ифво қаршисида заифлашди, бўлар иш бўлди. Шунда илоҳий ҳукм чиқди:

«Бир-бирингизга душман бўлган ҳолда тушинглар...»

Шундан буён инсон билан шайтон орасидаги душманлик бошланди ва бу душманлик қиёматгача давом этажак. Аллоҳ уларга ер юзини қароргоҳ қилиб берди ва бир муддат - то қиёматгача бунда қоладилар.